

## **“МАЪМУРИЙ КОНВОЙ” ГУРУҲЛАРИ – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЯНА БИР ҚАДАМ**

**Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич**  
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети тингловчиси, капитан*

**Аннотация:** *Сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025 йил 3 январь) Қарорида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва профилактика тизимини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур сиёсатнинг давоми сифатида, Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи асосида туманлараро маъмурий конвой гуруҳларини ташкил этиш белгиланди.*

*Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, маъмурий қамоққа олинган шахслар, наркологик касалларга чалинган фуқаролар ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни тегишли муассасаларга хавфсиз ва тизимли ташишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолияти ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади.*

**Калит сўзлар:** *конвой, “маъмурий конвой”, маршал, Миллий Жандармерия, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.*

**Аннотация:** *В последние годы в Узбекистане проводятся масштабные реформы в сфере обеспечения общественной безопасности и профилактики правонарушений. В частности, в Указе Президента №ПҚ-1 от 3 января 2025 года особое внимание уделено созданию безопасной среды в махаллях и эффективной организации системы профилактики. В продолжение данной политики, на основании соответствующего приказа Министра внутренних дел было определено создание межрайонных административных конвойных групп.*

*В данной статье с правовой, организационной и практической точек зрения анализируется деятельность межрайонных административных конвойных групп, созданных с целью усиления профилактики правонарушений в Республике Узбекистан, а также обеспечения безопасной и системной транспортировки лиц, подвергнутых административному аресту, граждан, страдающих от наркологических заболеваний, и лиц, не имеющих определённого места жительства, в соответствующие учреждения.*

**Ключевых слов:** *конвой, административный конвой, маршал, Национальная жандармерия, правонарушение, профилактика правонарушений.*

**Annotation:** *In recent years, Uzbekistan has implemented large-scale reforms in the field of public safety and the prevention of offenses. In particular, Presidential Decree No. PQ-1 dated January 3, 2025, places special emphasis on creating a safe environment in local communities (mahallas) and effectively organizing the prevention system. As a continuation of this policy, the establishment of inter-district administrative convoy units was determined based on a relevant order issued by the Minister of Internal Affairs.*

*This article analyzes, from legal, organizational, and practical perspectives, the activities of the inter-district administrative convoy units, which were established to strengthen the prevention of offenses in the Republic of Uzbekistan and to ensure the safe and systematic transportation of individuals subjected to administrative detention, citizens suffering from drug addiction, and persons without a fixed place of residence to the appropriate institutions.*

**Key terms:** *Convoy, Administrative convoy, Marshal, National Gendarmerie, violation, Prevention of offenses.*

## КИРИШ

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўтган қисқа даврда мамлактаимизда барча соҳаларда кўзга кўринарли ислоҳотлар амалга оширилди, булар ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ҳар соҳада бўлгани каби, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январь куни қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли Қарори<sup>26</sup> ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Биз мазкур тадқиқотимиз давомида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги мутлақо янги тузилма бўлган туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари ташкил қилиниши<sup>27</sup>, мазкур тузилманинг асосий вазифалари ва тарихий шакллари ҳақида тўхталамиз.

Даставвал, “Конвой” атамасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, тадқиқотчилар томонидан “Конвой” (французча *convoi*) — транспорт воситаларини, ҳарбий асирларни, шунингдек, тергов остидаги ёки ҳукм қилинган шахсларни кўриқлаш

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7330260> (мурожаат вақти 17.09.2025)

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида туманлараро маъмурий конвой гуруҳларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

ва ҳамроҳлик қилиш вазифасини бажарадиган якка ҳарбий хизматчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари гуруҳи<sup>28</sup> деб таъриф берилган.

Тадқиқотимизда биз конвой гуруҳларининг тарихий ривожланиш ва фаолият турига қараб шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратдик:

Қуролли кучлардаги конвой ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги конвой.

#### 1. Қуролли кучларда “Конвой”:

Конвой — бу ҳарбий хизматчилардан ташкил топган бўлинма (команда ёки якка ҳарбий тузилма) бўлиб, улар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ✓ ҳарбий юклар ва транспорт воситаларини қўриқлаш ва ҳамроҳлик қилиш,
- ✓ ҳарбий асирларни,
- ✓ ҳарбий трибунал томонидан ҳукм қилинган ҳарбийлар,
- ✓ интизомий қоидабузарлик сабабли ҳибсга олинган аскар ва денгизчиларни кузатиб бориш<sup>29</sup>.

Тарихий жиҳатдан, Россия армиясида конвой юқори лавозимдаги офицерлар, штаб ходимлари ва муҳим топшириқ билан юборилган курьерларни ҳамроҳлик қилиш учун ҳам тайинланган<sup>30</sup>.

СССР қуролли кучларида конвой хизмати Қўриқлаш хизмати таркибига кирар эди ва уни ташкил этиш тартиби Қўриқлаш хизмати Устави билан белгилаб қўйилган<sup>31</sup>. Кўпгина давлатларда, ҳарбий мақсадларда фойдаланилаётган юклар ва техникани ташиш конвой хизмати орқали амалга оширилади. Бу вазифани ё ҳарбий қисмнинг ўз қўриқлаш бўлинмалари, ёки махсус тайёрланган қўриқлаш хизматлари бажаради. АҚШ Қуролли Кучларида бу функцияни ҳарбий полиция амалга оширади<sup>32</sup>.

#### 2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда “Конвой”,

Конвой — бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан иборат гуруҳ (ёки якка ходим) бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

- давлатга тегишли муҳим юкларни ташишда уларни ҳимоя қилиш,
- терговдаги шахслар,
- суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлар,
- маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилаётган гумондорларни олиб бориш ва олиб келиш.

Конвой хизмати ички ишлар органлари фаолияти доирасида махсус тартиблар билан ҳуқуқий жиҳатдан белгиланади<sup>33</sup>.

Қўшнимиз Қозоғистон Республикасида, ушбу вазифаларни Миллий гвардияга конвой бўлинмалари амалга оширади<sup>34</sup>.

<sup>28</sup> Коллектив авторов. статья «Конвой», «Конвойная служба» // Военная энциклопедия / Под ред. Сергеев И. Д. — М.: Воениздат, 1999. — Т. 4. — С. 140-142. — 583 с.

<sup>29</sup> Словарь военных терминов. — М.: Воениздат. Сост. А. М. Плехов, С. Г. Шапкин. 1988. Ст. 135.

<sup>30</sup> Военный энциклопедический словарь (ВЭС), М., ВИ, 1984 г., Ст. 349

<sup>31</sup> Устав гарнизонной, комендантской и караульной служб ВС России (УГККС ВС России), М., ВИ, 2008 г.

<sup>32</sup> Военная полиция США. Капитан П. Братеев. Зарубежное военное обозрение. — 2013. — № 10. — С. 19-23

<sup>33</sup> Административная деятельность органов внутренних дел. Часть Особенная. Учебник. М., МЮИ МВД России. «Щит-М». 1997 — с. 346. Раздел

<sup>34</sup> Закон Республики Казахстан. О Национальной гвардии Республики Казахстан. Статья 4. Задачи Национальной гвардии. <https://online.zakon.kz/> (мурожаат вақти 19.09.2025)

АҚШда, ушбу вазифаларни Адлия вазирлигига қарашли Маршаллар хизмати бажаради.

АҚШ Маршаллар хизматининг асосий вазифаси — федерал қонунларни ижро этиш ва федерал адлия тизимининг деярли барча бўғинларига қўллаб-қувватлашдан иборат. Хусусан, Маршаллар хизмати қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:

- ✓ федерал суд биноларининг хавфсизлигини таъминлаш,
- ✓ судьялар ва бошқа суд ходимларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш,
- ✓ жинойтчиларни қўлга олиш,
- ✓ федерал маҳкумларни назорат остида сақлаш, уларнинг хавфсизлиги ва жазо муассасаларига ташилиши учун жавобгарлик,
- ✓ федерал суд буйруқларини ижро этиш,
- ✓ ноқонуний йўллар билан олинган активларни мусодара қилиш ва уларни сақлаш, бошқариш ҳамда кейинчалик уларни сотиш ёки бошқа йўллар билан йўқ қилиш,
- ✓ хавф остидаги ҳукумат гувоҳлари ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш,
- ✓ пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш<sup>35</sup>.

СССРдан кейинги давлатларда, судгача бўлган жараёнларда конвой қилишни полиция конвой бўлинмалари амалга оширади. Суд ҳукми чиққандан сўнг —

- Беларусда — Ички ишлар вазирлигига қарашли Ички қўшинлар,
- Украина ва Қозоғистонда — Миллий гвардия конвой вазифаларини бажаради.

Россия Федерациясида эса, суд жараёнининг барча босқичлари ва жазони ижро этиш жараёнида ФЖИЭХ (Федерал жазони ижро этиш хизмати)нинг қўриқлаш ва конвой қилиш бўлинмалари ушбу вазифани бажаради<sup>36</sup>.

Тадқиқотимиз давомида айрим давлатларда Конвой хизматининг ўзига хослигини кўриб чиқдик.

Мисол учун, Францияда конвой хизмати икки вазирликка бўйсунувчи органлар — яъни Миллий Жандармерия орқали амалга оширилади.

Миллий Жандармерия:

- ✓ Қуролли кучларнинг таркибий қисми сифатида — Мудофаа вазирлигига,
- ✓ Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида — Ички ишлар вазирлигига бўйсинади ҳамда бир вақтнинг ўзида қуйидаги вазифаларни бажаради:
- ҳарбий полиция вазифасини,
- махсус операциялар,
- муҳим ҳарбий объектларни қўриқлаш,
- суд биноларини ҳимоя қилиш,
- маҳкумлар ва ҳибсга олинганларни судга етказиш каби вазифаларни бажаради.

<sup>35</sup> Официальный сайт маршалов США. <https://www.usmarshals.gov/who-we-are/about-us>. (мурожаат вақти 19.09.2025)

<sup>36</sup> Официальный сайт Федеральной службы исполнения наказаний. <https://fsin.gov.ru/structure/security/>. (мурожаат вақти 19.09.2025)

Жандармерия фаолияти ички ишлар ва адлия вазирликлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштирилади<sup>37</sup>.

Собиқ СССР тарихидаги Конвой гуруҳлари ва улар томонидан амалга оширилган “Депортациялар” тарихига назар ташласак.

СССР тарихида давлат қарорлари асосида катта миқдорда аҳолини мамлакатнинг турли ҳудудларига куч билан кўчириш амалиёти кенг тарқалган эди. Бу қатламлар:

- ижтимоий гуруҳлар;
- бутун этник миллатлар бўлган.

Массовий депортация мисоллари:

- 1941 йилда немислар — 446 480 киши<sup>38</sup>;
- 1942–1949 йилларда понтий греклар — 15 000 киши<sup>39</sup>;
- 1944 йилда қирғиз тоторлар (қримликлар) — 183 155 киши кўчирилган<sup>40</sup>.

Бу каби оммавий кўчиришлар учун махсус ички кўшинлар гуруҳлари ташкил қилинган. Масалан, чечен ва ингушларни депортация қилиш учун 100 000 нафар ҳарбий хизматчи жалб этилган<sup>41</sup>.

ГУЛАГ (Главное управление исправительно-трудовых лагерей Тузатиш-меҳнат лагерлари бош бошқармаси (ГУЛАГ) - 1930 йилдан 1959 йилгача фаолият юритган, СССР НКВДси, кейинчалик ИИВ ва Адлия вазирлиги таркибига кирган тузилма бўлиб, қамоқхоналар ва маҳкумлар сақланадиган муассасаларни бошқариш ва назорат қилиш вазифасини бажарган) лагерлар тизимида миллионлаб маҳкумлар сақланган ва уларни ташиш, қўриқлаш ҳам конвой хизматининг асосий вазифаларидан бири бўлган<sup>42</sup>.

Ўзбекистонда “Маъмурий конвой” гуруҳлари ташкил қилиниши ва мазкур тузилмага юклатилган асосий вазифалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январь куни қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли Қарори<sup>43</sup> ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини белгилайди.

Мазкур Қарор билан Ички ишлар органлари тизимида мутлақо янги тузилма “Маъмурий конвой” гуруҳлари ташкил қилинди<sup>44</sup>.

<sup>37</sup> Полиция Франции. Жандармерия. Бирюков П.Н. Евразийский юридический журнал. <http://www.eurasialaw.ru>. (мурожаат вақти 19.09.2025)

<sup>38</sup> Иосиф Сталин — Лаврентию Берии: «Их надо депортировать...»: док-ты, факты, коммент. / Вступ. ст., сост., послесл. д-ра ист. наук, проф. Н. Ф. Бугая. — М., 1992. С. 37

<sup>39</sup> Греческий Мортиролог. <http://www.greek-martirolog.ru/> (мурожаат вақти 19.09.2025)

<sup>40</sup> Телеграмма № 1476 от 8 июня 1944 13 час. 00 мин Л. Берия из Ташкента от Бабаджанова. ГАРФ, ф.9479, оп.1с, д.179, л.241.

<sup>41</sup> Павел Полян. Принудительные миграции в годы второй мировой войны и после её окончания (1939–1953). [memo.ru. http://www.memo.ru/history/deport/polyan2.htm](http://www.memo.ru/history/deport/polyan2.htm). (мурожаат вақти 19.09.2025)

<sup>42</sup> История Внутренних Войск В. Т. Власенко. <https://army.armor.photos/hist/BVV.php>. (мурожаат вақти 19.09.2025)

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори. Электрон маъба: <https://lex.uz/docs/7330260> (мурожаат вақти 17.09.2025)

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида туманлараро маъмурий конвой гуруҳларини ташкил этиш тўғрисида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.

Маъмурий конвой гуруҳлари – маъмурий қамоққа олинган, наркологик касалликларга чалинган ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни махсус қабулхоналарга, мажбурий даволаниш муассасаларига ҳамда реабилитация марказларига олиб бориш ва топширишга мўлжалланган ички ишлар органлари бўлинмалари бўлиб, уларнинг асосий вазифаси маъмурий жазо сифатида қамоққа олинган шахслар, наркологик касалликларга чалинганлар ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни белгиланган муассасаларга хавфсиз етказиб қўйишдир. Бу жараёнда қонунчиликка риоя этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва хавфсизлик чораларини кўриш асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Гуруҳларнинг шахсий таркибига камида уч йил хизмат тажрибасига эга, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан етук ходимлар жалб этилади. Шунингдек, махсус жиҳозланган автотранспорт ҳайдовчилари “D” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Маъмурий конвой гуруҳлари тегишлилик асосида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳри ва вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБнинг ҲПБ бўлинмаларига бўйсинади.

Маъмурий конвой гуруҳлари фаолияти юқоридаги идоралар ва масъул ходимлар томонидан назорат қилинади. ҲПБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари хизматга тайинлаш, хизмат интизоми, хизмат техник воситаларини таъминлаш ва ходимларни ўқитишни ташкил этиш бўйича масъуллиги белгилаб берилган.

Бу ташкилий чора:

- шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,
- ички ишлар органларининг иш самарадорлигини ошириш,
- профилактика ишларини тизимли ташкил этишда муҳим ўрин тутати.

Фикримизча, маъмурий конвой – бу шахсларни қонуний жавобгарликка тортиш ва уларни тегишли муассасаларга хавфсиз етказишга қаратилган махсус хизмат бўлиб, унинг самарали ташкил этилиши ҳуқуқ тизимининг узвий қисми ҳисобланади. Туманлараро конвой гуруҳларини ташкил этиш бу соҳада ягона стандартларни жорий этиш ва иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятига оид қонунчилик базаси халқаро стандартлар ва қонуний ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинмоқда. Хусусан, Жаҳон ҳуқуқий нормалари ва Европа Кенгашининг ҳуқуқ муҳофазаси бўйича тавсиялари билан уйғунлик сақланмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва хизмат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фикримизча янги тузилма халқаро тажриба асосида ташкил этилган маъмурий конвой гуруҳлари моделлари Ўзбекистонда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёрланган ходимлар

билан таъминлаш, махсус техник воситалардан фойдаланиш ва назоратни кучайтириш хизмат сифатини сезиларли даражада оширди.

Хулоса

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бу фақат жазо бериш эмас, балки жамиятда хуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш, муаммоларни барвақт аниқлаш орқали барқарорликка эришишдир.

Бу борада “туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари”нинг ташкил этилиши – хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим қадамдир.

Туманлараро маъмурий конвой гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистонда хуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини такомиллаштириш, хуқуқбузарларни хавфсиз ва қонуний равишда ташишни таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади. Амалдаги хуқуқий-ташкилий механизмлар, махсус транспорт воситалари ва қайта тайёрлаш тизими хизматнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини янада оптималлаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Конвой гуруҳлари фаолиятида инсон хуқуқлари ва миллий қонунчилик нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;
2. Ходимлар учун мунтазам амалий ўқув машғулотлари ташкил этиш;
3. Транспорт воситаларининг техник ҳолатини доимий мониторинг қилиш;
4. Жойлардаги реал шароитлардан келиб чиқиб, конвой йўналишлари ва логистика тизимини оптималлаштириш.

Шунингдек, туманлараро маъмурий конвой гуруҳларини ривожлантиришда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

✓ Инновацион технологияларни жорий этиш: GPS мониторинг, видеокузатув тизимлари, махсус сигнализация воситалари орқали конвойни янада хавфсизлаштириш;

✓ Хуқуқий база ҳамда йўриқномаларни такомиллаштириш: қонунчиликни замонавий талабларга мос равишда ўзгартириш ва конвой гуруҳлари фаолиятини янада самарали тартибга солиш;

✓ Кўп қиррали ўқув дастурлари: ходимларнинг хуқуқий, психологик ва техник тайёргарлигини таъминлаш;

✓ Жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш: маҳаллий ҳокимият ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда хуқуқбузарликларни олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш.

Шунингдек, қуйидаги илмий-амалий таклифлар тавсия этилади:

1. Ходимларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш — замонавий педагогик технологиялар ва интерактив ўқув дастурлари жорий этилишини таъминлаш;

2. Транспорт воситаларини модернизация қилиш — экологик тозалик ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ янги махсус автотранспорт воситаларини сотиб олиш;

3. Психологик қўллаб-қувватлаш хизматини ташкил этиш — ходимларни стресс ҳолатларидан чиқариш ва уларнинг руҳий соғломлигини сақлаш мақсадида мутахассислар жорий этиш;

4. Ҳамкорлик ва коммуникацияни кучайтириш — судлар, тиббиёт муассасалари ва ижтимоий хизматлар билан ҳамкорлик механизмларини кенгайтириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларининг туманлараро маъмурий конвой гуруҳлари фаолиятини тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2025 йил 21 февралдаги 116-сонли буйруғи.